

# Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган \* 2013 йил 27 март. Чоршанба №24 (886) \* www.mahallagzt.uz \* info@mahallagzt.uz

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн биринчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси эртага — 2013 йил 28 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари бутун — 2013 йил 27 март куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсидида рўйхатга олинади.

### 2013 йил — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

## КЕНГ КЎЛАМЛИ ВАЗИФАЛАР АКС ЭТГАН ДАСТУР

инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига хизмат қилади

Президентимизнинг 2013 йил 14 февралдаги қарори асосида қабул қилинган «Обод турмуш йили» Давлат дастурида мамлакатимизда тинчлик, барқарор тараққиёт ҳамда миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва манфаатларини ҳимоя қилиш, одамлар ҳаётидаги бугунги ҳамжиҳатлик, ўзаро меҳр-оқибат ришталарини асраб-авайлаш жамият олдида турган энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Жамиятда тинчлик-тотувликка эришишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик институтлари фаолияти, кишиларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиги, ҳуқуқий маданияти муҳим аҳамият касб этади.

Шу боисдан ҳам дастурда фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокига доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш, оила институтини мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек, Президент Ислам Каримов томонидан тақлиф этилган Концепцияга мувофиқ қатор қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилиш кўзда тутилган. Янги таҳрирдagi «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида

жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуналарнинг лойиҳалари шулар жумласидандир.

Маҳалла — жамиятнинг муҳим бўғини. Кейинги йилларда дунё мамлакатларида кам учрайдиган мазкур тузилманинг ижтимоий аҳамияти беқиёс даражада ошди. Маҳалла жамиятнинг таъсирчан ва самарали бошқарув тизимига бўлиб қолмай, аини чоғда миллий ва умуминсоний қадриятлар асраб-авайланадиган, турли миллат вакиллари ўзаро аҳил-инок бўлиб яшашларини таъминловчи тарбия мактаби ҳам. Маҳаллаларда обрў-эътиборли кишилар раис, маслаҳатчи бўлса, ҳудудда ҳамжиҳатлик, барқарорлик таъминланади, тарбия, одоб-ахлоқ билан боғлиқ муаммолар осон ҳал этилади.

> [3]

### ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

## ҲУҚУҚ, БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ БИРЛИГИ

Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук, баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларни танлаган касблари бўйича ҳозирги замон талаблари даражасида тайёрлаш, таълим сифатини янада ошириш ва такомиллаштириш, муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш «Обод турмуш йили» Давлат дастуридан ўрин олган долзарб вазифалардандир.

Истиқлол даврида ёш авлод истиқбол учун мамлакатимизда муносиб шарт-шароитлар яратиш ва уларга ғам-хурлик кўрсатишдек хайрли тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

Миллий қонунийликимиздан халқимизга хос болажонлик, фарзанд камолоти учун жон куйдириш, улар манфаатини ҳимоялашдек фазилатлар мустаҳкам ўрин олган. Жумладан, Ўзбекистон

Республикасининг «Ўзбекистон Республикасидаги ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунни давлатимизнинг келажак ворислари манфаатини кўзлаб, уларнинг ижтимоий ва маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиш беришга қаратилган одилона сиёсати самарасидир.

> [3]

### КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## ҲИСОБ-КИТОБ АНИҚ, МАҚСАДЛИ ВА МАНЗИЛЛИ БЎЛМОҒИ ЗАРУР

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари жамиятимиз ҳаётида ижтимоий кўмаклашувнинг энг адолатли ва таъсирчан тузилмаси сифатида эътироф этилмоқда. Зотан, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни бевосита миллий тузилма — фуқаролар йиғинларининг ҳуқуқий ваколатлари яратилгани билан боғлиқ.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг йил давомида амалга оширилмиши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси белгиланган. Ана шундан келиб чиқиб, Фонд тизимида меҳнат қилаётган ходимлар, жумладан, бош ҳисобчиларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ҳар томонлама ошириш ва ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жамиятдаги нуфузини оширишда Фонд ҳисобчиларининг ҳам ҳиссаси катта.

Яқинда таҳририятимизда ташкил этилган давра суҳбатига таширф буюрган бир гуруҳ мутахассислар, бош ҳисоб-

### ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

## ОИЛАЛАРДА СОҒЛОМ МУҲИТ БАРҚАРОР



Республикаимиздаги мавжуд фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги «Ота-оналар университети» ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига доир билим ва кўникмаларини юксалтиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Бухоро вилояти Гиждувон туманидаги Абдуҳолик Гиждувоний номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бу борада ибратли тажриба тутилган. Чунинчи, маҳаллада ҳар ойнинг учинчи чоршанба кунини «Ота-оналар кунини» сифатида белгилаб, ҳудуддаги 5- ва 21-мактабларда университет аъзолари иштирокида «Оилада болалар тарбиясини амал-

га оширишда ота-оналарнинг ўрни» мавзуда семинарлар ташкил этилмоқда.

— Оила ҳуқуқи, маънавияти, бошқаруви, иқтисодий, психологияси, тиббий-биология асослари, оилада маънавий-ахлоқий тарбия ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби масалалар қамраб олинганда ушбу тадбирларда ота-оналар тегишли соҳалар му-

тахассисларидан оилавий таълим-тарбия борасида керакли билим ва кўникмаларни олишмоқда, — дейди мазкур маҳалладаги «Ота-оналар университети» раҳбари, фахрий педагог Шафоат Мирзаева. — Алабатта, бу каби ҳаракатларимиз, ота-оналарнинг ҳуқуқий, тиббий, ижтимоий саводхонлиги даражаси ошиб бориши маҳалладаги оилаларда соғлом муҳит таъминлашида ўзини хос омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ота-оналар университети аъзолари томонидан маҳалла ҳудудида жойлашган мактаблар маъмурияти ва ўқитувчилари билан ҳам мустаҳкам алоқа урнатилган.

> [4]

### ФУТБОЛ

## ЎЗБЕКИСТОН — ЛИВАН: 1-0



Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионати саралаш мусобақасининг тўртинчи босқич олтинчи тур учрашувида Ливан футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ўзбекистон ва Ливан миллий терма жамоалари ўртасидаги учрашув мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида янги қуриб битказилган муҳташам «Бунёдор» стадионида бўлиб ўтди.

«А» гуруҳида охири ўринни эгаллаб турган Ливан учун Тошкентдаги ўйин ҳал қилувчи аҳамият касб этарди. Ўзбекистон миллий терма жамоасидан енгилса, жаҳон чемпионатига бора ол-

маслигини яхши билган ливанлик футболчилар муҳим учрашувда ҳамюртларимизга қаттиқ қаршилик кўрсатди.

Янги стадионга келган минглаб мухлисларнинг астойдил қўллаб-қувватлаши остида ҳужумкор ўйин намойиш этган футболчиларимиз муҳим галабага эришди. Учрашувдаги ягона голи терма жамоаси сардори Сервер Жепаров киритди.

Ўйиб галабадан сўнг Ўзбекистон миллий терма жамоаси 11 очко жамғариб, пешқадамлик мавқени мустаҳкамлади. Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Жанубий Корея футболчилари ўз майдонида сунги дақиқаларда урган голи эвазига Қатар миллий терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ун очко билан иккинчи ўринга кўтаришди. Мағлубиятга учраганига қарамай, қатарликлар ва бу турда дам олган Эрон миллий терма жамоаси ҳам ҳисобларидаги етти очко билан муңдиал йўланмаси учун курашни давом эттирмоқда.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси саралаш босқичининг навбатдаги учрашувини 11 июнь кунини сафарда Жанубий Корея футболчиларига қарши ўтказарди.

Ў.А.



ЮРТИНГ ОБОД

### ДИЛИНГ ОБОД ТОШКЕНТ ШАҲРИ

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ёшларни меҳнатга жалб этиш ва янги иш ўринларини яратиш, шунингдек, маҳаллаларда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 10 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этишга кўмаклашилди. Оилавий бизнес, касаначилик ва хўнормандчиликни ривожлантириш, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга кўмаклашиш жараёнида фуқаролар йиғинлари ташаббуслари билан мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Шу билан бирга, фондинг туман бўлимлари томонидан ёшларнинг ўз бизнесини бошлашига, тегишли ускуналарни харид қилишига кўмаклашиш мақсадида икки ярим миллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Ўтган йили мавжуд 476 та маҳаллада меҳнатга лояқати, аммо иш билан банд бўлмаган 23626 нафар фуқаро аниқланиб, уларнинг рўйхати шакллантирилди ҳамда 13 минг нафарга яқин тадбиркор, давлат идора ва ташкилотларининг мутасадди ходимларига бириктирилди. Илҳом сазой ҳаракатлар натижасида 22733 нафар ёки 96,2 фоиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Туман ҳокимликлари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, йиғин раислари, тегишли корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳолига қўлайлик яратиш, уларнинг айнан яшаш манзилларига яқин жойларда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш мақсадида Тошкент шаҳрининг 11 та туманидаги маҳаллаларда 56 марта «Ишга жойлаштириш кўни» тадбири ташкил қилинди.

Тадбирда корхона ва ташкилотлар ўзларининг 17 мингга яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Тадбирларга 1581 нафар фуқаро жалб этилгани эътиборга молик. Уларнинг 776 нафарини ёшлар, 226 нафарини касб-хўнор коллежлари битирувчилари, 949 нафарини эса аёллар ташкил этди.

455 нафар фуқарога йўлланма берилди, 1113 нафар фуқаро ишга жойлаштириш тартиби борасида тегишли маслаҳатлар олди.

### Жавдат ИНОҒОМОВ,

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси.

### МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

## Ҳавас ва интилиш уйғунлашганда



Мамлакатимизда спортга, хусусан, болалар спортига берилаётган юсак даражадаги эътибор замирида, аввало, соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришдек орзу-мақсад мужассам.

Президентимизнинг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жағмарасми Хомийлик кенгаши йиғилишидаги маърузасида: «...жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг энг муҳим натижалари халқро, минтақа ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда юқори натижаларга эришиш билан бирга, энг аввало, юртимизда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом ёш авлодни вояга етказишда намойен бўлмоқда», деган сўзларида аини шу эзгу ният зоҳир. Юртимизнинг барча ҳудудларида, айниқас, қишлоқ жойларда спортнинг муайян тури билан шуғулланиб, ўз соғлигини мустаҳкамлаган, аини дамда мусобақаларда юқори натижаларга эришиб, таълим муассасаси ва маҳалладаги тенгдошларига ибрат бўлаётган спортчи ёшлар талайгина.

> [4]

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

ЭЗГУ ИШ ҲАР КУНГИ ЮМУШГА АЙЛАНГАН



Бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамжихатлиги таъминловчи маскан сифатидагина эмас, кишиларга кумак берувчи, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватловчи ишончли бугун сифатида эътироф этилмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими томонидан бу масалалар бўлими утган йили амалга оширилган ишлар сарҳисобига кўра, ижтимоий шериклик асосида бир қатор хайрия юмушлар бажарилган.

Ташминлашда касаначиликдан фойдаланиш яхши самара бермоқда. Вилоядаги 411 та корхона ва ташкилот билан ҳамкорликда 5767 та касаначилик асосида янги иш ўрни ташкил этилди.

Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят бўлими томонидан 117 нафар фуқарога бир бошдан қорамол олиб берилди.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ЯРАШТИРГАН ЭЛДА АРДОҚ ТОПАДИ



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Бугун мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаролар йиғини ҳузурда Яраштириш комиссияси фаолият кўрсатаётир.

Ҳуқуқдаги жонқуяр фоллардан таркиб тошган маъруза комиссияси аъзолари маҳалла аҳли билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлишга интиломоқда.

«Мехрибонлик», «Муруват» ва «Саховат» уйлари тарбияланувчилари, ёлғиз қариялар, жисмоний имконияти чекланган ногиронларга 40 миллион сўмга яқин «Маҳалла мурувати» МЧЖда ишлаб чиқарилган кийим-кечаклар тарқатилади.

Бир сўз билан айтганда, вилоятда ижтимоий шериклик асосидаги саёб ишларнинг салмоғи ошиб, ижтимоий хиломга муҳтож оилаларнинг турмуши яхшиланимоқда.

— «Қарс икки қўлдан» деганларидек, ёш келинларимизда ҳам аёб йўқ эмас, — дейди М.Убайдуллаева. — Айниқса, кийинчи маданияти билан боғлиқ камчиликлар ҳар доим мени ташвишга солади.

Расул КАМОЛ «Mahalla»

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ҳамкорлик янада мустаҳкамланади

Фуқаролик жамияти институтларининг аҳамиятини ва ўрни янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси томонидан уларнинг моддий ва молиявий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда мустақиллигини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилади.

Ҳамкорликдаги саёб-ҳаракатлар натижаси улароқ, узоқ қашлоқ аҳолиси учун 80 та ўқув маркази ва курси ўз иштини бошлади. Натижада қарийб 4 минг киши, аввало, ёшлар ва хотин-қизлар кичик, оилавий бизнес ва тадбиркорликка жалб этилди.

Тадбир жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясининг 2012 йилдаги фаолияти якуни ҳамда «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ва 2013 йилда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини рағбатлантиришнинг муҳим йўналишларига бағишланди.

Элбек ЖУМАНОВ «Mahalla»

БАЙРАМ ШУКУҲИ

НАВРЎЗ — ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Куни кеча пойтахтимизнинг Олмасор тумани «Жийдали» маҳалла фуқаролар йиғинида Наврўз умумхалқ байрами кенг нишонланди. Унда нуруний отахон ва онахонлар, фуқаролар йиғини фаоллари, ибратли хонадон аъзолари, ёшлар, шунингдек, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оила вакиллари қатнашди.

Бугунги кунда маъруза йиғинида 30 фоизга яқини ёшлар ташкил тўрт ариим нафардан зиёд аҳоли этади. Шу боис маҳаллада ёшлар билан ишлашда ўзига хос тажриба

тўланган. Хусусан, йиғин қошидаги Вояга етмаганлар, ёшлар, спорт ва соғломлаштириш масалалари бўйича комиссия ташаббуси билан мусавирлик тўрагаги ташкил этилган. Яқин кунларда дурадгорлик ва тикувчилик тўрагалари иш бошлайди.

Байрам тадбири доирасида мусавирлик тўрагаги аъзолари расмлар кўргазмаси ўтказилди. Шунингдек, ҳудуддаги 106-ва 509-мактабга-ча таълим муассасалари тарбияланувчиларидан таркиб тошган болалар музикавий дасталарининг чиқишлари барчага манзур бўлди.

Матлуба АБДУҚОДИРОВА.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Жамоат фондлари тўғрисидаги қонуннинг 19-моддасида фонд ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига ва фонднинг уставиға мувофиқ амалга ошириши, фонд фаолиятининг ошкоралигини таъминлаши ва фонднинг мол-мулкидан фойдаланилиши тўғрисида ҳар йили ҳисоботлар эълон қилиши ҳамда ўз фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда маъмурий харажатларини қоплаш учун фойдаланилиши кўрсатилади.

Қонуннинг 24-моддасида фонднинг мол-мулкидан фонд уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда маъмурий харажатларини қоплаш учун фойдаланилиши кўрсатилади.

Ҳар йилги маъмурий харажатларнинг жами суммаси, шунингдек, фонднинг васийлик кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзоларига ҳақ тўлаш ҳамда уларнинг ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш фонд барча харажатлари суммасининг йигирма фоиздан ошмаслиги керак.

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китоб юритади. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасига мувофиқ ННТ бухгалтерия ҳисоби субъекти сифатида солиқ ва давлат статистика органларига молиявий ҳисобот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 июндаги «Статистика ва молия ҳисоботини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 227-сонли қарори асосида статистика ва молия ҳисоботи шакллари янада бириктирилиши, соддалаштирилиши ва қисқартирилиши, тақдим этиш тартибларини такомиллаштириш, ҳисобот бериш тизимини халқаро стандарт талабларига яқинлаштириш борасида қарорлар қабул қилинди.

Солиқ кодексининг 43-моддасига асосан, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловнинг ҳар бир тури бўйича ёки тўланган даромадлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда солиқ декларацияларини, шунингдек, ҳисоб-китоблар ва солиқ декларацияларига иловалари ўз ичига оладиган ҳужжат бўлиб, у Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда тузилади.

Солиқ кодексининг 112-моддасида белгиланган тартибда нодавлат нотижорат ташкилотларига нисбатан пул тўловлари (жарима, пеня) қурилиши молиявий чоралар қўлланилиши мумкин.

Солиқ тўловчилар юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан молиявий чоралар суя тартибда қўлланилади, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мuddати кечиктирилганда ундирилмаган пенялар, шунингдек, солиқ тўловчи солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этишдаги айбига иқдор бўлиб, ихтиёрий ра-

рилангани ҳақида ННТ фаолиятининг тўлиқ баён этилган бағарфил ҳисоботини тузиш учун кўп вақт керак бўлади. Базъан фол нодавлат нотижорат ташкилотининг йиллик фаолияти тўғрисидаги барча маълумотни қайта ишлаш учун рағбар ҳисобот тузишга бир ходимни тайин этишга мажбур бўлади. Бундан ташқари, ННТ нафақат бухгалтерия ҳужжатлари, балки иш юритиш ҳужжатларига ҳам кўпроқ эътибор қаратишлари керак.

Шу боис ходимлар сони етарлича бўлмаган ташкилотлар учун ҳисобот тақдим этиш нисбатан қийин иш бўлиб, қўшнча уларга турли ҳужжатларни тузишда назорат органларининг тушунтиришлари ва ёрдамлари талаб этилади.

Ҳамшира ЖААИЛОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош ҳисобчиси: «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тизимида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги «Жамоат фондлари тўғрисида»ги ҳамда 1996 йил 30 августдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунлари, бухгалтерия ҳисоби миллий андозлари, Фонд устави ва бошқа амалдаги меъёрий йуриқномалар асосида юритилади.



«Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддаси ҳамда Фонд бўлими ва бўлимчалари тўғрисидаги Низомга асосан, бўлим ва бўлимчаларнинг мол-мулкы алоҳида балансида ва Фонд балансида ҳисоб-та олиниши белгилаб қўйилган. Шу



МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

ҲАВАС ВА ИНТИЛИШ УЙҒУНЛАШГАНДА



С.НАРЗИЕВ олган сурат.

— Ҳар гал жаҳон чемпионатида иштирок этганимда юрт шарафини янада улуғлашди даъваткор тугйу менга куч бағишлайди, — дейди қарат буйича жаҳон чемпиони Шаҳбоз Аҳадов. — Юзлаб давлатлар ичида Ўзбекистон деган ном узгача жаранглайди. Туққилини, гуруралини кетаман. Айниқса, байроғимиз баланда

бўди. Бугунги кунда Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси. Албатта, бу ютуқларга осонликча эришгани йўқ. Тинимсиз машқ, ҳаракат, ишонч уни галабага етказди. Спортнинг ҳамма турларида ҳам куч, матонат, мардик, шижоат, маҳорат зарур. Бу фазилатларни Камол Аҳадов фарзандларини ёшлигидан спорт билан шугулланишга ўргатган. Шаҳбоз қаратга, укаси Шаҳзод эса қаратнинг шотакан турига қизикди.

— Соғлом бўлсин, деб фарзандларимни спортга йўналтирдим, — дейди Камол Аҳадов. — Кейинчалик ўзлари қизикқан спорт турини чўқурроқ ўрғаниш учун қўшимча машғулотларга боришди. Шаҳбоз ёш бўлса-да, умумтаълим мактабларида мураббийлик қилди, шогирдлар тайёрлади. Ҳозир Милилий армиянинг сафида йилгиллик бурчини ода этаяпти. Командирларидан раҳматнома олганимизда қувониб кетаман. Спорт майдонларида галаба қозонганида қанчалик шодланган бўлсам, бугун ҳарбий аскар сифатида фарзандлик бурчини оқлаётганидан ҳам қалбим фаҳрга тўлади.

Кичик утил Шаҳзод ақасининг мусобақалардан шода-шода медал, дипломлар билан қайтганини кўрганида секинчи ичига ситмай кетар, юрагининг туб-тубида ақаси сингари чемпион бўлиш орузи жўш уради. Ана шу ҳавас уни интилишга, ўз устида тинимсиз ишлашга ундади. 7 ёшга тулар-тўлмас спорт залларига қатнади. Катта-кичик мусобақаларда иштирок этиб, голибликни қўлга кирита бошлагач, ўзига ишончи янада орди. Бугун 30 дан зиёд медал, қирққа яқин диплом, фахрий ёриқ ва кубокларга эга спортчи маҳалланинг фахрига айланди. Интиланга толе ёр, дейишди. Шаҳзод кейинги йилларда бирин-кетин муваффақиятларга эриша бошлади. 2009 йили Самарқандда ўтказилган Осиё оқич чемпионатида олтин медал ҳамда Қорбобо кубогини, 2010 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон кубогига бронза медалини ва мамлакат чемпионатларида иштирок этиб, голибликни қўлга киритди. Айни пайтда жаҳон чемпионатида тайёрлик кўрмоқда.

Бугун маҳаллада камолга етаётган ўсмирлар чемпион ака-укаларга ҳавас қилиб, давлатимиз байроғини юқори кўтариш орузида қатий ишонч билан спортнинг ўзлари қизикқан турларини пухта ўрганишгаётган.

— Маҳалламиз ҳудудда жойлашган 46-мактаб биносининг янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилгани айни мўддао бўлди, — дейди «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Яшин Саидов. — Мактабнинг спорт залида юрта шарт-шароитлар муҳайё. Билим берчи маъмурияти билан келишиб, 8-9-синф ўқувчилари ҳамда маҳалламиз ёшларидан иборат футбол жамоасини ташкил этдик. Бундан ташқари, бу ерда волейбол, кураш, қаратэ, шахмат-шашка тугараклари фаолият кўрсатяпти.

Бугун юртимиздаги ҳар бир маҳаллада спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, спорт майдончалари қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани ёшларнинг буш вақтларини мазмунли ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлаётган. Қолаверса, чемпионларимиз кўпайиши учун ҳам замин яратмоқда.

Санобар БОЙМУРОДОВА «Mahalla»



Пиротехника фожиаси

«Associated Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, Мексиканинг Тласкала штатида 17 киши пиротехник буюмлари портлаши оқибатида ҳалок бўлди.



Яна 80 киши жароҳатланиб, касалхонага ётқизилди.

Фожа Нативитас шаҳрида диний байрамни нишонлаш пайтида содир бўлган. Салотлардан бирининг учқунни йўл четига машинага теккан, унда эса бошқа пиротехник буюмлар бўлган. Нативитасда кучли портлаш юз берган. Маълумотларга қараганда, қурбонлар сони яна кўпайиши мумкин, чунки жароҳатланганлардан айримлари жууда оғир аҳволда.

Табиатдан ёмғир сўраб...

Янги Зеландияда сўнгги 30 йил ичидаги энг кучли қурғоқчилик кузатиламоқда.



«Businessweek» порталида ёзилганча, табиий офатдан Шимолӣ орол кўп зиён кўрган.

Хабарларга қараганда, қурғоқ ҳаво ўтган йилнинг декабрь ойида бошланган. Мамлакат ҳукумати жорий йилнинг март ойи бошида қурғоқчилик кузатилаётганини расман эълон қилган.

Янги Зеландияда ёмғир ёғиши мумкинлиги башорат қилинмоқда. Бу мамлакатда давом этган мурракб шароитни анча енгилаштириди. Қурғоқчиликдан Янги Зеландия иқтисодий, айниқса, сўт маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғи катта зарар кўрган.

Гишт орасидаги кокаин

Колумбиянинг Картахен портида полиция гиштлар орасига беркитилган ярим тонна кокаинни топти.



Бу юк Картахендан Гондурасга олиб кетилаётган эди.

деб хабар беради «Итар-ТАСС» ахборот агентлиги. Полиция гиштларда моддаларни яширишга олиб ўтишда гумон қилган юк ташувчи фирма фаолияти устидан текширувни бошлаган. Гондурас Жанубий Америкадан Қўшма Штатларга наркотик олиб ўтилган энг йирик транзит манзилларидан саналади.

Интернет маълумотлари асосида Н.Юнусова тайёрлади.

СПОРТ

Футбол

Рақиблар аниқланди

Истанбул шаҳрида шу йилнинг 21 июнь — 13 июль кунлари ўтказиладиган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати финал босқичига қўрға ташлаш маросими бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Аҳмадҷон Мусаев ҳам иштирок этди. Қўрға натижаларишга қўра, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси «ЖЧ-2013» финал босқичининг «F» гуруҳида Океания чемпиони, Уругвай ҳамда Хорватия ёшлар терма жамоалари қарши майдонга тушади.

Океания чемпиониинг номи 29 март кунини аниқланади. Айни дамда ушбу қитъа голиблиги учун Янги Зеландия ҳамда Фижи терма жамоалари кураш олиб боришмоқда.

ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

ОИЛАЛАРДА СОҒЛОМ МУҲИТ БАРҚАРОР

— Йигинимиз туман марказида жойлашгани учун ҳудуддаги болаларнинг ақсарияти бўш вақтларини интернет клубларида ёки компьютер уйинлари марказларида ўтказишари, — дейди маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муҳиба Ҳақидова. — Албатта, фарзандининг бу каби масалаларда муҳим ўтириши кўп вақтини ишга сарфлайдиган ота-оналар учун қўлай. Аммо ана шундай ўйинлар сабаб ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштиришга қизиқиши пасаяётгани, баъзи ҳолларда эса давоматга салбий таъсир кўрсатаётгани хусусида ўқитувчиларнинг бир неча бор шикоятларини эшитгач, университетимиз ўқув дастурини «Интернет ва компьютер уйинлари: ижобий ва салбий жиҳатлар» мавзусида машғулот ташкил этдик.



Унда иштирок этган компьютер мутахассиси, психолог ҳамда шифокорлардан иборат экспертлар гуруҳи аъзолари компьютерни ўрганиш, интернетда ахборот алмашишнинг бола дўхларишда ўзига хос ижобий омилларини эътироф этиш баробарида мазкур ишлар ҳам бевоқиф ота-оналар назорати билан амалга оширишнинг лозимлиги, компьютер олдига метейран ортиқ ишлаш саломатликка таъсир кўрсатиши, виртуал ўйинларда ақс этган ёки интернет орқали кўчириб олинган зуравонликни тарғиб этувчи, беҳаё таъсирлардан иборат баъзи томошалар фарзанд руҳиятига оғир зарба етказишини аниқ мисоллар орқали тушултириб бердилар.

Ана шу машғулотимиздан сўнг бевоқиф ота-оналар фаолиги билан ўқувчиларнинг дарсдан қочиб интернет клубларга боришининг олдиди. Ақсарият ота-оналар эса, фарзандлари бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун уларни спорт ва ҳўнармандчилик тўғралакларига жалб этишди.

— Маҳалла фаолари томонидан ота-оналар университетини доирасидаги машғулотга қақриув олганимизда, ана қандай тадбир экан, деган ўйда истар-истамас борганим, — дейди шу ҳудудда яшовчи Ҳўрмат Тўққиева. — Аммо университет машғулотига қатнашгандан сўнг у биз ота-оналар учун ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга эканига амин бўлдим. Менинги қизим ҳам ўқувчи. Кейинги вақтларда анча қизикқан бўлиб қолганди. Машғулот жараёнида иштирок этган табиий ҳодимлари, мутахассислар бу ёшдаги ўсмирлар руҳиятидаги ўзгаришлар, улар билан муносабатга киришишда

Айни пайтда маҳалла раиси Гулнара Сайфуллаева, шифокор Одина Улмазова, ўқитувчи Муборак Дўстова, имом-хатиб Жўрабек Муродов, тадбиркор Нигора Аҳмедова сингари ўз соҳасининг илгор мутахассисларидан таркиб топган жамоатчилик тузиамаси ота-оналарга фарзанд тарбиясида муносиб кўмакчи бўлиб келишмоқда. Бунинг натижасида эса, маҳалла «Энг намунали ўзини ўзи бошқариш органлари» қўриқ-танлови вилоят босқичида «Ота-оналар университети фаолияти самалари йўлга қўйилган фуқаролар йиғини» номинациясида голиб деб топилади.

Ақбар РУСТАМОВ «Mahalla»

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭСИЗ ОДАМЛАР...

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ...

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳаллаларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Бунини йиғинларнинг бебаҳо бойлигини билган тинчлик ва оқилолликни таъминлаш, меҳр-оқибат ва аҳиллик каби азалий қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёш авлодини она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ҳоваларига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш борасидаги фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин.

Бинобарин, фуқаролар йиғинларида олиб борилаётган ишларни, қарорларни, бунёдкорлик ишларини, қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, одамларнинг турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлари беқиёс қўлам ва моҳирят касб этмоқда.

Истиқлол туфайли маҳалла ҳуқуқий мақом ва қўнилий вақолатлар берилди. Айни дамда ҳаётимизни маҳалласиз тасаввур эта олмаймиз. Маҳаллага дахлдор бўлмаган бирор вазифа, бирор юмуш йўқ. Одамлар бир ишни бошлашдан аввал, албатта, маҳалла идорасининг эътиборини қўқмоқда. Йиғин раисларини маслаҳатчилар, фаолларнинг кўмаги, қўрсатмаси, ташаббуси билан ҳам бўлаётган масалалар қанча?!

Одамларнинг маҳаллага суяниши, ишонилишининг боиси маҳаллани том маънода ижтимоий адолат барқарор бўлган маскан, деб билишдадир. Бироқ ана шундай табаррук масканда ишлаб, кишиларнинг ишончилигини қозониш, овирини енги, узогини яқин қилувчи қўллаб юмушларга холис ният билан бел боғлаш, кўпининг дарди, ташвиши билан ёниб яшаш ўрнига, маҳалла раислигини ўз шахсий манфаатлари йўлидаги қўшимча бир имтиёз, имконини деб билаётганлар ҳам, афсуски, йўқ эмас.

Асли буюқлик Сурайё Жамолова замонга зайли билан Олмалик шаҳридаги «Ойдин» маҳалла фуқаролар йиғинига раис этиб сайлангач, одамларга бош бўлиш, етакчилик қилишини ўйлади, бу йўлда ишонч, масъулия, адолат, инсофу диёнат каби фазилатларини фаолиятининг муҳим мезони эканини унутди. У ўзига берилаган вақолатларни қўшимча даромад ортириш мақсадида сунистеъмола қила бошлади. Бу йўлда у ўзига муносиб шериклар топишга ҳам улурди. Шаҳардаги «Мунаввар фойз» уй-жой муқдорлари ширкати раиси лавозимида ишлаган Ш.Абдусатторов ҳамда «Ойдин» маҳалласининг масъул котиби У.Абдурахмонов раиснинг рази мақсадаларини рўёбга чиқаришда елкадош бўлдилар.

Биз ҳўқоқ қилаётган маҳалланинг «адолат ўчоғи» деган мақомга дарз кетди: унинг ўрнини таниш-билишчилик, манфаат-парастлик эълалади. Гап нима қақда кетаётганини яқин қилувчи қўллаб юмушларга холис ният билан бел боғлаш, кўпининг дарди, ташвиши билан ёниб яшаш ўрнига, маҳалла раислигини ўз шахсий манфаатлари йўлидаги қўшимча бир имтиёз, имконини деб билаётганлар ҳам, афсуски, йўқ эмас.

Асли буюқлик Сурайё Жамолова замонга зайли билан Олмалик шаҳридаги «Ойдин» маҳалла фуқаролар йиғинига раис этиб сайлангач, одамларга бош бўлиш, етакчилик қилишини ўйлади, бу йўлда ишонч, масъулия, адолат, инсофу диёнат каби фазилатларини фаолиятининг муҳим мезони эканини унутди. У ўзига берилаган вақолатларни қўшимча даромад ортириш мақсадида сунистеъмола қила бошлади. Бу йўлда у ўзига муносиб шериклар топишга ҳам улурди. Шаҳардаги «Мунаввар фойз» уй-жой муқдорлари ширкати раиси лавозимида ишлаган Ш.Абдусатторов эса текин нафақа олиш иштиёқида турфа ҳўжжат маълумотномалар тушлаш дардида юрган кимсаларга тўғеки «қарашиб» юборди. У йиғин раисининг илтимосига қўра, Улуғбек кўчаси 76-уй 72-хонадонда яшовчи У.Эшонқўловнинг эри, аслида бу ширкатда умуман ишламаган С.Бегоевнинг шу ширкатда слесарь лавозимида ишлаганини ёзма равишда тасдиқлаб берган. «Берди ушбу маълумотнома шу ҳаққидан...» қабилида.

Бунини қарангки, текшириш ва тафтишлар жараёнида У.Эшонқўловга 2 ёшгача бўлган боласи учун олаётган нафақаси асосан таъинланганидан ташқари, унинг ўзи ушбу маҳаллада умуман рўйхатда турмаслиги маълум бўлди. Топширилган ҳўжжатлар ичида унинг паспорт нусхаси рўйхатга қўйилганини тасдиқловчи қисмига эрининг, яъни шу манзида яшовчи С.Бегоев паспортининг нусхаси туширилган экан.

«Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам юзага чиқди», деганларидек раиснинг бундай найрангларини совун кўпийидек бир зумда ёрилади-қолади. Сохтакорликлар, расмий ҳўжжатларга ёлгон маълумотлар тирхаш илагати юқорида санаб ўтилган шахсларга нафақа тайинлаш ҳўлатлари ўрганилганда ҳам юзага қалқиб чиқди.

Алаҳоқибат ҳақ қарор топди. Жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар суди бу ишни агрофойза урганиб чиқди ва айбдорларга нисбатан адолатли ҳўкм чиқарди. Унга қўра, «Ойдин» маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаган С.Жамолова ҳамда «Мунаввар фойз» уй-жой муқдорлари ширкати раиси лавозимида фаолият юритган Ш.Абдусатторов уч йил мўддатга муайян ҳўқуқлардан маҳрум қилинди ва ойлук иш ҳақининг маълум қисмининг давлат ҳисобига ўтказиш шартли билан шўгча мўддатга ахлоқ туза-тиш жазосига лойиқ қўринди. Қопулга килоф равишда нафақа тайинлаш оқибатида давлат бюджетига етказилган зарар эса, судланувчилардан солдлар тартибда ундириладиган бўлди.

А.БЕКМУРОДОВ.

Advertisement for TASHKENT PROF INVEST MCHJ real estate agency, offering services for land acquisition and investment.